

## Сийрат дарслари (233-дарс) Ҳар бир мусулмоннинг зиммасида садақа бор



19:00 / 02.06.2023 3551

907. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бир киши йўлда эди. Йўлда тиканли шохни кўрди ва уни олиб қўйди. Аллоҳ уни тақдирлади ва мағфират қилди»**, дедилар».

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

908. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Тул хотиннинг, мискин ва мискинанинг ҳожатини чиқариш учун ҳаракат қилиб юрган киши Аллоҳнинг йўлида юрган, кундузлари рўза тутиб, кечалари намоз**

**Ўқиган кишидекдир»,** дедилар».

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

909. Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ҳар бир мусулмоннинг зиммасида садақа бор»,** дедилар. **«Айтинг-чи, агар топмаса-чи?»** дейишди. **«Икки қўли билан ишлаб топади, ўзига фойда беради, садақа ҳам қилади»,** дедилар. **«Айтинг-чи, бунга ҳам қодир бўлмаса-чи?»** дейишди. **«Ҳожатманд бўлиб, ноилож қолган кишига ёрдам беради»,** дедилар. **«Айтинг-чи, буни ҳам қила олмаса-чи?»** дейишди. **«Яхшиликка ёки маъруфга буюради»,** дедилар. **«Буни ҳам қила олмаса-чи?»** дейишди. **«Ёмонликдан тийилади, мана шунинг ўзи ҳам садақадир»,** дедилар».

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

910. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: **«Қуёш чиққан ҳар бир кунда одамларнинг ҳар бир бўғими учун садақа лозим. Икки киши ўртасида адолат қилиш ҳам садақадир. Бир кишига улови борасида ёрдам бериб, уни миндириб қўйиши ёки матоҳларини кўтариб, ортиб бериши ҳам садақадир. Ширин сўз ҳам садақадир. Намоз сари босган ҳар бир қадам ҳам садақадир. Йўлдан озорни олиб ташлаш ҳам садақадир».**

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

911. Ҳаким ибн Ҳизом розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга: **«Жоҳилиятда баъзи ишлар: садақа, қул озод қилиш, силаи раҳм билан ўзимча ибодат қилар эдим. Айтинг-чи, уларда ажр борми?»** дедим. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Сен қилган яхшиликларинг туфайли мусулмон бўлгансан»,** дедилар».

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

912. Абу Зарр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Яхшиликдан ҳеч бир нарсани, ҳатто биродарингга очиқ юз билан йўлиқишни ҳам арзимас санама».**

*Муслим ривоят қилган.*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.